

ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИНГ ГЕНЕЗИСИНИНГ ТАРИХИЙ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Сулаймонов Махмуджон Шухратбекович

Андижон давлат педагогика институти эркин изланувчиси.

E-mail: maxmudjon.sulaymonov@gmail.com

Аннотация: Ўзбекистонда фуқароларнинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Шунинг учун, фуқаролар доимо давлат ҳимоясида эканлигини ҳис қилиб туриши зарур. Фуқароларнинг давлат ҳаётига нисбатан жавобгарлиги ҳамда қабул қилинаётган қарорлардаги иштироки масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Тезисда фуқаролик позициясининг генезисининг тарихий фалсафий таҳлили ёритилди.

Калим сўзлар: фуқаролик позицияси, шахс, жамият, сиёсат, инсон ҳуқуқлари, фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати, ҳуқуқ ва мажбуриятлар.

Аннотация: Обеспечение мира и благополучия граждан в Узбекистане является приоритетом государственной политики. Поэтому граждане всегда должны чувствовать, что они находятся под защитой государства. Большое значение имеет также вопрос ответственности граждан за государственную жизнь и их участия в принятии решений. В тезисе дается историко-философский анализ генезиса гражданской позиции.

Ключевые слова: гражданская позиция, личность, общество, политика, права человека, правовой статус гражданина, права и обязанности.

Abstract: Ensuring the peace and well-being of citizens in Uzbekistan is a priority of state policy. Therefore, citizens should always feel that they are under the protection of the state. The issue of citizens' responsibility for state life and their participation in decision-making is also of great importance. The thesis presents a historical and philosophical analysis of the genesis of the civic position.

Keywords: civic position, individual, society, politics, human rights, legal

status of a citizen, rights and obligations.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси жаҳонга юз тутди ва қисқа вақт мобайнида асрга татиғулик ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу ўтказилаётган кенг кўламли ислохотлар “инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият” шиори остида амалга оширилмоқда, бироқ ушбу ўтказилаётган кенг кўламли ислохотларга ҳозирги ёшларимиз тайёри, ёшларимизнинг фуқаролик позициялари мавжудми, агарда мавжуд бўлса қай тарзда амалга оширилмоқда, қандай муаммо ва камчиликлар бор, деган масалалар нафақат амалиётчиларнинг балки назарий муаммолар билан шуғуллланадиган олимларнинг ҳам диққат-эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Фуқаролик – фуқаро эканлик, фуқарога оидлик, фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати деган маъноларни беради. “Фуқаролик — шахснинг муайян давлат билан доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқаси; бу алоқа шахс ва давлатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларида ифодаланади. Шахс фуқароликка эга бўлгач, давлат унинг ҳамма ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этади, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш чораларини кўради. Фуқароларнинг манфаатларини давлат, фуқаролар бошқа мамлакатлар ҳудудида турган вақтда ҳам ҳимоя қилади, уларга ҳомийлик кўрсатади.” Ўзбекистонда фуқароларнинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Шунинг учун, фуқаролар доимо давлат ҳимоясида эканлигини ҳис қилиб туриши зарур. Фуқароларнинг давлат ҳаётига нисбатан жавобгарлиги ҳамда қабул қилинаётган қарорлардаги иштироки масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бундай муносабатлар шакли фанда фуқаролик позицияси деб аталади. Бу ўринда позиция тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:“

- 1) Ҳар қандай кимса ёки нарсанинг тутган ўрни, ишғол қилиб турган жойи, мавқеи, ҳолати, вазияти;
- 2) қўшиннинг мудофаа ёки хужум қилиш мақсадида эгаллаб турган ва муҳандислик нуқтаи назаридан жихозланган ер майдони;
- 3) шахмат ва шашка ўйинида доналарнинг жойлашиш ҳолати;
- 4) бирор масалада тутилган йўл, нуқтаи назар, воқеа ҳодисанинг муайян

баҳоси,” деган маъноларда келади.

Фалсафий нуқтаи назардан позиция маълум бир фикрда турғун ҳолатда қолиш, яъни ташқи таъсирлар, босим ва муносабатлардан қатъий назар ўз фикрларини ҳимоя қилишга нисбатан ишлатилади. Фуқаролик позицияси эса ўз юрти ва давлатининг манфаатларини ажрата билиш, бошқалардан устунлигини кўра олиш ҳамда уларни ҳимоя қилишда яққол намоён бўлади. Файласуф олим И.Ф.Яруллин таъкидлаганидек: “...ҳалқ педагогикасининг асосий қоидалари – Ватанга муҳаббат тарбияси, онага, меҳнатга, маънавий ва жисмоний саломатликка, кейинчалик фуқаролик асосига айланган таълимга ғамхўрлик қилиш шаклланган. Бундай ахлоқий фазилатлар болаларда рағбатлантирилади ва меҳр оқибат, ҳалоллик, кекса авлодга ҳурмат, адолат, эркаклик, виждонлилик, ватанпарварлик каби фазилатлардир.” Жамиятда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ҳусусан ёш авлодни Ватанга бўлган меҳр муҳаббатини ошириш билан бир қаторда, ўзига ишонган, ўзининг шахсий фикр ва мулоҳазалари бор фаол ёшлар қилиб тарбиялаш ва уларнинг онгига ушбу тушунчаларни сингдириш кун тартибидаги асосий вазифа ҳисобланади. Ушбу тушунча давлатчилик тарихи билан тенг бўлиб, қулдорлик даврида ҳам фаол фуқаролик позициясини шакллантириш устувор вазифа ҳисобланган.

Арасту ўзининг “Сиёсат” асарида кимки қонунчилик кенгаши ва суд ҳокимияти фаолиятида иштирок этган бўлса, биз уни фуқаро эканлиги тасдиқлаймиз, деб таъкидлаган. Арастунинг фикрича фуқаро ижтимоий-сиёсий фаоллигини кўрсатмас экан, у фуқаро сифатидаги имтиёзларга даъвогар бўлиши мумкин эмас. Фуқаролик позицияси шаклланмаган шахсларнинг паспорти бўлса ҳам, улар маънавий жиҳатдан Ўзбекистонга тегишли бўла олмайди. Бундай шахслар космополит бўладими, ёки ўзини бошқа бир давлатнинг маданиятига тегишли деб ҳисоблайдими, бундан қатъий назар давлат ва жамият ҳаётидан ўзини четга олиши шахс ижтимоийлашувига салбий таъсир кўрсатади ва жамиятдаги муносабатлардан четга чиқиб қолади. Бундан 2,5 минг йил олдин билдирилган юқоридаги фикрлар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Фуқароларнинг фаоллиги ортиб, ижтимоий-сиёсий

ва иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш жараёни ҳам такомиллашмоқда. Фуқароларнинг уйғониш жараёни янги Ўзбекистонда шиддат билан кечмоқда. Масаланинг Арасту нигоҳи билан таҳлил қиладиган асосий жиҳати шундан иборатки, аксарият ҳолларда фуқаролар ўз шахсий-ҳуқуқ манфаатлари учун дадиллик билан позицияларини намоён қилган ҳолда, умумий – жамотчилик манфаатларига тегишли бўлган масалаларда беъэтиборлигини кўрсатмоқдалар. Шу сабабли бўлса керак, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қонун устуворлиги, жамиятда адолатни таъминлаш ва жамоатчилик назорати каби масалаларда жуда катта муаммолар турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ёшларнинг фуқаролик позициясини шакллантириш масалаларига тўхталиб: “...ёш авлодимизнинг гражданлик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.” Ўзбекистон Республикасида таълим ва тарбия жараёнида юксак ахлоқий сифатлар, ватанпарварлик, ўз ишига садоқат ва ижтимоий фаолликни рағбатлантириш орқали фуқаролик позициясини шакллантириш истикболлари вужудга келади. Ҳозирги вақтда жамиятимизда ёшларнинг фуқаролик позицияларини шакллантириш долзарб вазифа ҳисобланади ва ўз навбатида фуқаролик позицияларининг келиб чиқиши тарихига назар солиш талаб этилади.

Фуқаролик позицияси генезисини ўрганиш давомида тарихга эътибор қаратадиган бўлсак қадимги “Спарта ва афинада фуқаролар шахсий (ер, уй) ва сиёсий (миллий йиғилишда иштирок этиш) ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши, улар қонунларга риоя қилишлари ва ватанни ҳимоя қилишлари шарт эди. Аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этувчи қулла ва аёллар фуқаролик ҳуқуқларига, жумладан Ватанни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. “Афинада мамлакатнинг бўлажак фуқароларининг шахсига юқори талаблар қўйилди, чунки уларнинг ҳар бири кейинчалик давлат раҳбари бўлиши мумкин эди. Қадимги Юнонистон давлатларига давлатнинг ижтимоий-иқтисодий

хаётда фаол иштирок этувчи, сиёсат манфаатларини ҳам сўзда ҳам қуролда химоя қилишни биладиган кучли фуқаролар керак бўлган”. Демак ҳозирги демократик жараёнлар, халқ ҳокимиятининг мавжудлиги шароитида ўзининг эркин фикр ва мулоҳазаларига, давлатимиз олиб бораётган сиёсатни тўғри тушуниб, фаол ҳаракатланадиган ёшларимизнинг бўлиши зарурлигини кўрсатмоқда. Қулдорлик даврида ўзини эркин фуқаро деб ҳисоблаган фуқаролар ўзининг шахсий фикрига ва сўз эркинлигига эга бўлганлиги, қулларнинг эса ўзининг фикр ва мулоҳазаларини эркин баён қилиш фикри йўқлиги шуни кўрсатмоқдаки эркин фикри йўқ шахслар “қулларга” тенглаштирилган.

Қадимги файласуфлардан бири “Афлотун (милоддан аввалги 427-347) “Қонунлар”, “Давлат” ва “Сиёсат” рисоаларида идеал давлатни ташкил этиш ва фуқароларни тарбиялаш ҳақидаги назариясини асослашга ҳаракат қилган. Қалбдаги устунлик: ақл, ирода, ҳис-туйғуларга кўра у одамларни учта синфга мос равишда ҳукмдорлар, жангчилар ва ҳунармандларга бўлишни таклиф қилди ва мойиллигидан келиб чиқиб, болаларни маълум бир ижтимоий ролга тайёрлашни, ҳар бир фуқарони шунга мос равишда тарбиялашни таклиф қилди. Чинакам фуқаролар давлат манфаатларини, қувонч ва қайғуларини ўз манфаати сифатида қабул қиладилар деб ўйлаган.” Фуқаролик масъулияти фуқаролик тарбиясини асосий тавсифловчи сифатида, унинг фикрича донолик, жасорат, эҳтиёткорлик, адолатда, шунингдек давлатдаги ижтимоий роли билан юкланган фуқаролик бурчларини виждонан бажаришда намоён бўлади. Афлотун афсоналарни, адабиётни ва албатта ўйинларни таълимнинг муҳим воситаси, деб ҳисоблаган, шу билан бирга, у болаларнинг қоидаларга риоя қилишлари аниқлигига эътибор берган. “акс ҳолда улар кейинчалик қонунларга ўзгартиришлар киритишни ҳохлашади деб ҳисоблаган.” Эзгу фикрлаётган одам бутун жамиятда ўзининг позитив фикри ва жамиятни ривожлантириш ғояси билан олдинда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш қобилиятига эга бўлади.

Афлотун эзгулик, яхшиликларни икки турга бўлади ва уларинг қайси

бирлари инсоний, қайси бирлари илоҳий эканлигини тушунтиради. Илоҳий яхшилик инсоний яхшиликларга таъсир ўтказади. Агар илоҳий эзгуликлар, яхшиликлар ўзлаштирилса, у ҳолда инсоний яхшиликлар ҳам ўзлаштирилади, фақат инсонийлари ўзлаштирилганда эса илоҳийларини бой бериб қўйиш мумкин. Инсоний эзгуликлар, ҳайрли нарсаларга куч, гўзаллик, бойлик, билим ва бошқалар киради, буларни Афлотун ўзининг ахлоқ ҳақидаги китобларида таҳлил қилади. У ҳақиқий соҳиби қонун илоҳий эзгуликларга этишиш учун бу эзгуликларни яхши бир тартибга солувчи зот эканлигини тушунтиради. Чунки у фойдаланган эзгуликлар қонун талаб қилгандай илоҳий эзгуликлардир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 2007 йил. – Б. 325.
2. Формирование гражданской ответственности студентов педагогических вузов. И.Ф.Ярулин, Казань, Татарское издательство “Хэтер”. 2011. – С. 6.
3. Аристотель. Политика: соч. в 4-х т. Т.4 / Аристотель. – Москва.: Мысль, 1999. - 320 с.
4. <https://xs.uz/uzkr/post/shavkat-mirziyoev-ozbekiston-yoshlariga-bajram-tabrigi-jolladi> - Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшларига байрам табриги йўллади. Мурожаат этилган сана: 14.08.2022 й.
5. Platon. Shtat: op. V.3, 1-qism / Platon. – 1975. С. 380.
6. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-f/fuqarolik-uz/>